*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН.

№ 40 (6930).

28 ФЕВРАЛЬ ЧОРШАНБА 1979 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

# ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ЯНГИ ЗАФАРЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

**БУТУНИТТИФОҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИНИНГ ЯКУНЛАРИГА КЎРА ЎЗБЕКИСТОНГА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ, ВЦСПС ВА ВЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҒИ ОЛТИНЧИ МАРТА ТОПШИРИЛДИ**

Республика меҳнаткашлари ҳам бутун мамлакатимиз билан биргаликда КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини, ўнинчи беш йиллик топшириқларини амалга ошириш учун курашда тобора кўп муваффақиятларга эришмоқдалар. 1978 йил якунларига кўра, Ўзбекистон ССР КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланганлиги меҳнаткашлар зўр ғайрат билан бажарган ишлар ғоят самарали эканлигини аққол исбот этади. Республика ана шу юксак мукофотни олишга олтинчи марта сазовор бўлди. Бу эса республика меҳнатчиларининг коммунистик қурилишдаги хизмати бутун халқимиз томонидан тақдирланганлигини исбот этади.

Беш йилликнинг учинчи йилида республиканинг йиллномасига кўпгина шонли ишлар ёзилди. Саноат ходимлари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев қўйган вазифаларни ҳал эта бориб, кўпдан-кўп резервларни ишга солдилар, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ҳар томонлама ошириш учун мусобақани авж олдириб юбордилар. Бу эса йиллик планни муддатидан илгари бажариш, саноат ишлаб чиқаришини ўтган йилдагига нисбатан планда белгиланган 4,5 процент ўрнига 5,3 процент кўпайтиришни таъминлаш имконини берди. Халқ истеъмоли моллари аввалги йилдагига нисбатан 6,2 процент кўпроқ ишлаб чиқарилди.

Қурувчилар зўр ғайрат билан меҳнат қилдилар — 60 дан зиёд янги саноат корхоналари қурилди, асосий ишлаб чиқариш фондларининг талайгина қисми кенгайтирилди ва янгиланди. Сирдарё ГРЭСининг саккизинчи энергоблоки, Ўзбекистон металлургия комбинатида электр ёрдамида эритиш цехи, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, Олмалиқ химия комбинати, Навоий цемент, Самарқанддаги суперфосфат заводларида йирик қувватлар ишга туширилди, кўпгина бошқа муҳим объектлар қад кўтарди, жами 5 миллион 790 минг квадрат метрли уй-жойлар барпо этилди.

1978 йилда қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 6 миллиард сўмга етди. Ўнинчи беш йиллик уч йили якунларига кўра, ялпи маҳсулотнинг ўсиш суръатлари планда белгиланганидан юксак бўлди. Ватанга 5 миллион 500 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» топширилди. Дон, пилла, мева-сабзавот маҳсулотлари, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан белгиланган планлар ҳамда олинган социалистик мажбуриятлар муваффақиятли бажарилди.

Республика партия, совет, касаба союз ва комсомол активининг 27 февраль куни Тошкентдаги Санъат саройида саноат ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши илғорлари иштироки билан ўтказилган йиғилиши республикага кўчма Қизил байроқ топширилишига бағишланди. Деҳқончилик ва чорвачилик моҳир усталарининг қурултойи делегатлари ҳам Санъат саройига тўпланишди.

Йиғилишни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Н. Ж. Худойбердиев очди.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари **З. Н. Нуриевга** сўз берилади. У партия Марказий Комитети, Совет ҳукумати номидан ва шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев номидан йиғилиш қатнашчиларини ва улар орқали Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларини меҳнатдаги буюк ғалаба ва муносиб фахрий мукофот билан қизғин самимий табриклади.

Ўнинчи беш йилликнинг бошланиши, дейди у, янги муваффақиятлар билан ва Совет Ўзбекистони хўжалик ҳамда маданий ҳаётининг барча соҳаларида катта ўзгаришлар билан нишонлади. Республика мамлакат экономикасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ишига, совет халқининг фаровонлигини ошириш ишига муносиб ҳисса қўшди. Бу йиллар

Суратда: юксак мукофотни топшириш пайти.

В. Молгачев фотоси.

республика меҳнаткашларининг ижодий активлиги муттасил ўсиб борганлигини, хўжалик қурилиши услуби ва методлари тобора такомиллашганлигини аққол намойиш қилди. Эришилган муваффақиятлар республикада чинакам умумхалқ тусини олган ва кенг кўламда қизитиб юборилган мусобақанинг натижасидир. Республика билан бир қаторда Наманган, Самарқанд ва Тошкент областлари, Тошкент, Нукус, Бухоро ва Марғилон шаҳарлари, ўн икки район ва 56 меҳнат коллективи КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг қарорига мувофиқ кўчма Қизил байроқлар билан мукофотланди.

Халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришда республика эришган муваффақиятларни қайд этиб, ўтган йили ҳақиқатан ҳам меҳнат жасорати кўрсатган Ўзбекистон пахтакорларига алоҳида миннатдорчилик билдиришга ижозат бергайсиз. Кўклам чўзилиб, совуқ келганлиги туфайли пахтакорлар экин майдонларининг салкам 40 процентига чигитни қайта экишларига тўғри келди. Республикада бундай ҳол ҳали ҳеч қачон юз бермаган эди. Бунинг устига иссиқликнинг камлиги ҳосил пишиб етилишини чўзиб юборди. Ёғин-сочин бўлиб турган ва совуқ кунларда ҳам пахтани йиғиб-териб олиш давом этаверди.

Республикада пахта етиштиришни кўпайтириш борасида катта-катта тадбирлар амалга оширилганлиги натижасида ноқулай об-ҳаво шароитларига қарамай, ўнинчи беш йилликнинг уч йили ичида 16,5 миллион тонна, яъни пландагидан 400 минг тонна кўп пахта етиштирилди. Айниқса қимматли ингичка толали пахта етиштириш ҳам кўпайди.

Шу нарса қувончлики, Ўзбекистонда дон, хусусан маккажўхори дони, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга қаратилган каттагина ишлар амалга оширилмоқда.

Хуллас, Ўзбекистон экономика ва маданиятни ривожлантиришнинг барча соҳаларида катта-катта муваффақиятларга эришди. Лекин эришилган муваффақиятлар билан қаноатланиб қолиш совет кишиларига хос хусусият эмас. Шу боисдан ҳам 1979 йилги мажбуриятлар-да халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида янги, янада юксак марралар белгиланди.

З. Н. Нуриев давомли гулдурос қарсаклар остида республикага КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини топширади ва республика меҳнаткашлари 1979 йилги мажбуриятларни ҳар доим бўлганидек шараф билан бажарадилар, деб ишонч билдиради.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов** байроқни олгандан кейин, Ўзбекистон кўчма Қизил байроқ билан мукофотланганлиги учун, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, зиёлилар, ёшларнинг илҳомбахш меҳнатига юксак баҳо берганликлари учун, республика меҳнаткашларини муборакбод этиб, эзгу тилакларни изҳор қилганликлари учун республиканинг барча меҳнаткашлари номидан КПСС Марказий Комитетига, Совет ҳукуматига, ВЦСПС ва комсомол Марказий Комитетига, шахсан Леонид Ильич Брежневга чин кўнгилдан миннатдорчилик ва ташаккур билдирди. Ўзбекистон, деб таъкидлайди у, КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг доимий ёрдами, эътибори ва ғамхўрлиги натижасида бундай муваффақиятларга эришди. Бу муваффақиятлар республикадаги барча меҳнаткашларнинг фидокорона ишлаганлиги якуни, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, хўжалик органларининг катта ташкилотчилик ва сиёсий фаолияти натижасидир.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва комсомол Марказий Комитети мусобақа ғолибларини табриклаб, ишчилар, колхозчилар, инженер-техник ходимлар, мамлакатнинг барча меҳнаткашлари партия XXV съезднинг, КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль ва ноябрь Пленумларининг тарихий қарорларини бажарадилар, деб қаттиқ ишонч билдирдилар.

Республика меҳнаткашлари ўзларининг ватанпарварлик ва интернационал бурчини худди шу маънода англайдилар. Улар партиянинг даъватига иш билан жавоб қайтариб, ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмаларини бажариб, коммунистик қурилишда янги марраларга эришиш, бундан буён ҳам янги-янги рекордларни қўлга киритиш учун олға боришга қатъий бел боғлаганлар.

Ш. Р. Рашидов меҳнаткашларнинг биринчи навбатдаги вазифаларига тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтади: ишлаб чиқариш самарадорлиги ва сифатини ошириш, халқ хўжалигини барча тармоқларини муттасил юксалтириш — бош йўналиш бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. Ҳозирги пайтда йил якунларини танқидий анализ қилиш, камчилик ва нуқсонларни аниқлаб, уларни йўқотиш, барча резервларни ишга солиш жуда муҳимдир. Ҳар бир коллектив, ҳар бир район, шаҳар ва ҳар бир области нинг 1979 йил планлари ва олинган мажбуриятларни тўла ҳамда ошириб бажариш учун социалистик мусобақани ташкил этишни янада яхшилаш юзасидан конкрет тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур. Илғорлар тажрибасини, ростовликларнинг «Қолоқларсиз ишлаш» борасидаги ташаббусини ҳамма жойда янада кенг ёйиш лозим.

Саноат ходимлари фан-техника тараққиёти суръатларини жадаллаштириш ва ички резервлардан тўлароқ фойдаланиш асосида ишлаб чиқариш ҳажми бўйича йиллик планни 24 декабргача бажариш ва пландан ташқари 350 миллион сўмлик маҳсулотни реализация қилишга қарор бердилар. Капитал қурилиш илдам суръатлар билан ривожлантирилади. Мамлакат республика деҳқонларидан 5 миллион 700 минг тонна «оқ олтин», кўп миқдорда дон, мева-сабзавот маҳсулотлари, каноп, пилла олади.

Республика қишлоқ хўжалик меҳнатчилари, деди Ш. Р. Рашидов, деҳқончилик маданиятини ошириш, комплекс механизацияни, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини жорий этиш, ерларни мелиорациялаш, химиялаш ишларини такомиллаштириш асосида пахтачиликни янада юксалтиришни таъминлашлари лозим. Иқтисод ва тежамкорлик учун, маҳсулот таннархини пасайтириш, ҳар бир тармоқнинг самарадорлигини ошириш учун сабот билан кураш олиб бориш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, топширилган иш учун ходимларнинг масъулиятини ошириш керак. Озарбайжон, Тожикистон, Туркманистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари билан анъанавий социалистик мусобақа беш йиллик тўртинчи йилининг янги марраларини эгаллашда ёрдам беради.

Ҳозир, экин-тикин бошланиши арафасида иш вақтининг бирон соатини ҳам бой бермаслик, техникани, уруғликни намунали тайёрлаб қўйиш ғоят муҳимдир. Экиш ишлари қисқа муддатларда ва юксак агротехника даражасида ўтказилиши лозим. Алмашлаб экиш тўғрисида мумкин қадар кўпроқ ғамхўрлик қилиш керак.

КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленумида чорвачиликни янада ривожлантиришга доир бир қанча туб масалалар ўртага қўйилди. Бу муҳим тармоқни интенсивлаш учун барча имкониятлардан фойдаланиш керак. Чорвадорлар меҳнатининг натижалари кўп даражада озуқа базасини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, қўзилатишни муваффақиятли ўтказиш билан белгиланади. Шуни англаш муҳимки, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ишларнинг ҳаммаси халқ учун, совет кишисининг эҳтиёжларини яхшироқ қондириш манфаатларини кўзлаб қилинмоқда.

Республика ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятларга мувофиқ беш йиллиннинг тўртинчи йилида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш соҳасида олға томон янги катта қадам қўйиши лозим. КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль ва ноябрь Пленумлари қарорларида, Леонид Ильич Брежневнинг нутқларида қишлоқ хўжалиги олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажармоқ учун бутун кучни сарфлаш зарур.

Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов, Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Х. Умаров, Избоскан районидаги «Партия XX съезди» колхози пахтачилик бригадасининг бошлиғи У. Худойбердиев, Тошкентдаги «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчиси З. Я. Лебедева, Қораўзак районидаги «Маданият» совхозининг директори Е. Панаев юксак мукофот учун Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари номидан партия ва ҳукуматга самимий ташаккур изҳор қилдилар. Улар меҳнат коллективлари беш йилликнинг тўртинчи йилини, СССР Олий Советига сайловни зўр сиёсий активлик ва меҳнат ғайрат-шижоати билан нишонлаётганликлари тўғрисида гапирдилар.

Нотиқлар КПСС Марказий Комитетини, Совет ҳукуматини, Леонид Ильич Брежневни ишонтириб, Ўзбекистон меҳнаткашлари юксак мукофотга жавобан ўзларининг бутун куч ва билимларини, маҳоратларини социалистик Ватаннинг экономикаси ва маданиятини, мудофаа қудратини янада юксак даражага кўтариш учун сарф қиладилар, деб таъкидладилар.

Йиғилиш қатнашчилари ғоят баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга табрикнома қабул қилдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, И. Р. Қурбонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Қ. Камолов, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисларининг ўринбосарлари Р. Х. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, Р. Ашуралиев, М. Д. Мухортов, М. Т. Турсунов, қардош республикалар қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари делегацияларининг раҳбарлари, Туркманистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Б. Е. Ёзқулиев, Озарбайжон ССР қишлоқ хўжалик министри М. Г. Аскеров, Тожикистон ССР қишлоқ хўжалик министри М. З. Зоиров қатнашдилар. (ЎзТАГ).

# СОВЕТ МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 27 февраль куни Кремлда Куба Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, партия Марказий Комитетининг иккинчи секретари, Куба Республикаси Давлат Кенгаши ва Министрлар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, революцион Куролли Кучлар министри армия генерали Рауль Кастро Русга Ленин орденини топширди. У СССР Қуролли Кучлари билан Куба Республикасининг революцион Куролли Кучлари ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ишидаги катта хизматлари учун олий совет мукофоти билан тақдирланди.

Мукофотни топириш вақтида:

Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри Д. Ф. Устинов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков, шунингдек СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе, СССР Қуролли Кучлари Бош штабининг бошлиғи— СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари Н. В. Огарков, Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Бирлашган Қуролли Кучларининг Бош қўмондони, СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари В. Г. Куликов, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи А. А. Епишев, СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари С. Л. Соколов, СССР мудофаа министрининг ўринбосари С. К. Куркоткин, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари А. М. Александров ва А. И. Блатов, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг биринчи ўринбосари К. М. Боголюбов;

Куба томонидан—Куба Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Давлат Кенгашининг аъзоси, Куба хотин-қизлар федерациясининг раиси Вильма Эспин де Кастро, Куба Республикасининг СССРдаги элчиси Северо Агирре дель Кристо, дивизия генерали Абелардо Коломе Ибарра, бригада генерали Сиксто Батиста Сантана, Рауль Кастрога ҳамроҳ бўлиб келган Куба ҳарбий делегациясининг бошқа аъзолари ҳозир бўлдилар.

Мукофотни топириш вақтида ўртоқ Л. И. Брежнев нутқ сўзлади.

## *Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи*

Азиз ўртоқ Рауль Кастро!

Азиз ўртоқлар!

Куба революциясининг раҳбари Фидель Кастронинг энг яқин сафдошларидан бири — Рауль Кастрони биз ҳаммамиз кўлдан бери жуда яхши биламиз. Биз уни оддий қилиб дўстона ўртоқ Рауль дейишга одатланиб қолганмиз. У ҳар томонлама Совет—Куба алоқаларини ривожлантириш учун, иккала мамлакат қуролли кучлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун жуда кўп иш қилди. Ватанимизнинг олий мукофоти —Ленин ордени унинг хизматларига берилган муносиб баҳодир.

Шу мукофотни топширар эканман, Совет Иттифоқининг қардош Куба билан муносабатлари ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқлилик ва тўла ишончга асосланган ҳамкорликнинг ажойиб намунаси эканлигини таъкидлаб ўтишни ўринли деб ҳисоблайман. Янги жамият қурилиши масалаларида ҳам, халқаро ишларда ҳам биз кубалик дўстларимиз билан ҳамиша умумий тил топяпмиз, бир-биримиз билан иноқликда иш кўряпмиз. Шундай бўлиши ҳам табиий. Бизнинг бирлигимизда КПСС билан Куба Компартиясининг Маркс ва Ленин ишига, социалистик бирдамлик принципларига садоқати, Совет ва Куба халқлари манфаатлари ҳамда мақсадларининг тўла муштараклиги ўз ифодасини топмоқда.

Азиз ўртоқ Рауль, сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, Озодлик оролининг манфаатлари йўлидаги масъулиятли ишингизда янгидан-янги катта муваффақиятлар тилаймиз.

Ўртоқ Р. Кастро жавоб нутқи сўзлади.

## *Ўртоқ Р. КАСТРО нутқи*

Ҳурматли ўртоқ Леонид Ильич Брежнев!

Азиз ўртоқлар!

Аввало олижаноблик ва юксак шараф кўрсатилиб доҳий Ленининнинг севикли номи билан аталган шу қадар фахрли орден билан мукофотлангани учун ғоят чуқур миннатдорчилик изҳор этишга ижозат бергайсизлар. Унинг ғояларида ва фаолияти социалистик ҳамдўстлик халқларига, бутун ер курраси меҳнаткашларига ва мазлум халқларига таълим ва илҳом бермоқда, уларга йўл кўрсатмоқда.

Партиямиз раҳбарлик органига кирувчи барча ўртоқлар номидан, коммунистлар ва комсомоллар, кубалик ҳамма революционерлар номидан ана шу самимий қардошлик нишонаси учун астойдил ташаккур айтаман, мен уларнинг вакилиман ва мукофотни уларнинг номидан қабул қилиб оламан.

Куба революцияси ғалабасидан кейин орадан 20 йил ўтган бўлса ҳам, Ғарбий ярим шарда биринчи социалистик давлатнинг қарор топиб, мустаҳкамланганлиги сабабини тушуниш учун ҳал қилувчи бир омилни, чунончи, бизнинг революциямиз ишчилар синфи, меҳнаткаш деҳқонлар, революцион зиёлилар ва бутун Куба халқи бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилганлигининг натижасидан иборат шак-шубҳасиз фактни назарда тутмоқ керак, албатта. Куба халқининг энг яхши намояндалари ҳозир марксчи-ленинчи авангардимиз бўлмиш Куба Коммунистик партиясини ташкил қилиб турибдилар.

Революциямизнинг хизматлари, Куба халқининг революцион ватанпарварлик анъаналари марксизм-ленинизмнинг ялпи ҳақиқатлари билан ва жаҳон социализмининг иши билан бирга қўшилиши жараёнида чиниққан фазилатлари ва характер белгилари шу бирликнинг ижодкори, халқ маънавий кучларининг илҳомчиси, унинг йўлбошчиси ва раҳбари, партиямизнинг биринчи секретари ўртоқ Фидель Кастрода мужассамлашиб, ўз тимсолини топмоқда.

Ўртоқлар ва дўстлар Ленин орденини қабул қилар эканман, Сьерра-Маэстрада қўзғолончи армиянинг Бош қўмондони ўртоқ Фидель Кастронинг қарори билан менга олий ҳарбий унвон берилиб, иккинчи фронтни очиш ва шу фронтга қўмондонликни ўз зиммамга олиш топширилган пайтдаги ҳис-туйғуларни яна бошдан кечираётганлигимни айтмасдан ўта олмайман.

Мен Коммунистлар партияси сафига кирган пайтимдаги тарихий вазият ва мен танлаб олган йўл мазлумлар ва эксплуатация қилинувчилар ишига, озодлик, адолат ва социал тараққиёт ишига, социализм ва коммунизм ишига садоқат тўғрисидаги қасамёдимни тасдиқлаш учун янги имконият беришини худди ўша вақтдагидек тасаввур қилиб турибман.

Совет Иттифоқидаги азиз ўртоқлар!

Бугун мен Ленин орденини қабул қилар эканман, фахрланиб айтаманки, уни Ленин Ватани билан Социалистик Кубани бирлаштириб турган бузилмас дўстлик, муштарак принциплар, мустаҳкам қардошларча, революцион ва инсоний алоқалар рамзи деб, кам ривожланган кичик мамлакат билан қудратли ривожланган социалистик давлат ўртасидаги намунали муносабатларнинг тимсоли деб билиб тақиб юраман. Халқимизнинг қаҳрамонлиги ва курашдаги иродасига қарамай, Куба революцияси Совет Иттифоқининг ёрдами ва ҳамкорлигисиз Шимолий Америка империалистларининг шафқатсиз қудрати билан тўқнашувга бардош бера олмаган бўлур эди, ҳозир эса Қўшма Штатларнинг жинояткорона қамали шароитида социализм қурилишини муваффақиятли давом эттириш мумкин бўлмас эди.

Азиз ўртоқ Леонид Ильич Брежнев, мен Ленин орденини айни Сизнинг қўлингиздан, Совет давлатини ўз халқининг тараққиёти ва равнақи ишида янги, янада катта чўққиларга бошлаб бораётган ҳамда халқларнинг манфаатлари ,инсониятнинг тинчлиги, хавфсизлиги ва келажаги йўлида пенинча ташқи сиёсатни амалга ошираётган шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига бошчилик қилаётган инсоннинг қўлидан олаётганлигим факти менга алоҳида мамнуният бахш этади.

Туҳматчилар нақадар ғийбат қилмасинлар, шу кунларда Совет Иттифоқининг сиёсати ва реаллиги шу орден юксак обрў-эътиборининг битмас-туганмас манбаидир, бу орденни биз ўзимиз ҳали ҳеч қачон сазовор бўлмаган энг юксак шараф деб қабул этамиз.

Кўпдан-кўп раҳмат.

* * *

Ҳозир бўлган Совет Иттифоқилик ва кубалик ўртоқлар Р. Кастрони юксак Совет мукофоти билан сидқидилдан муборакбод этдилар ҳамда унинг Социалистик Куба фаровонлиги, СССР ва Куба Республикасининг Куролли Кучлари жанговар ҳамдўстлигини мустаҳкамлаш йўлидаги тинимсиз фаолиятида унга янгидан-янги катта муваффақиятлар тиладилар. (ТАСС).

## Л. И. БРЕЖНЕВ Р. КАСТРОНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 27 февраль куни Куба Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитетнинг иккинчи секретари, Куба Республикаси Давлат Кенгаши ва Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, революцион Куролли Кучлар министри Р. Кастрони қабул қилди. Р. Кастро расмий дўстона визит билан Совет Иттифоқига келган эди.

Суҳбат давомида Совет Иттифоқи билан Куба Республикаси ўртасидаги қардошларча ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикрлашиб олинди. Актуал халқаро проблемалар ҳам кўриб чиқилди.

Суҳбат самимий, дўстона ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри Д. Ф. Устинов, шунингдек КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов қатнашдилар. (ТАСС).

# ВАТАН ҚУДРАТИНИ МУСТАҲКАМЛАЙМИЗ

## *РЕСПУБЛИКА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛҒОРЛАРИНИНГ ҚУРУЛТОЙИ*

Қишлоқ хўжалиги илғорлари беш йилликнинг учинчи йилини якунлаш ва ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларидаги ишларнинг аҳволини атрофлича таҳлил этиш, шунингдек КПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль ва ноябрь Пленумлари қарорларидан, ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладлари ва нутқларида баён этилган қоидалар ҳамда хулосалардан келиб чиқадиган 1979 йилги вазифаларни белгилаб олиш учун республиканинг ҳамма жойларидан Тошкентга анъанавий қурултойга келдилар.

27 февраль, эрталаб соат 10. Тошкент Санъат саройи байрамона безатилган. У донгдор пахтакорлар, илғор чорвадорлар, ғаллакорлар, механизаторлар билан гавжум. Улардан кўпларининг кўксида шавкатли меҳнат учун берилган Ватан мукофотлари — орден ва медаллар, фахрий ишонлар порлаб турибди. Олимлар, саноат корхоналарининг вакиллари, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг намояндалари улар билан бирга шу ерга келганлар.

Президиумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари З. Н. Нуриев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолари ва аъзолиққа кандидатлари И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, И. Р. Қурбонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Қ. Камолов, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, М. Д. Мухортов, М. Т. Турсунов, Озарбайжон, Тожикистон, Туркманистон қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг делегациялари ўтиришибди.

Қурултойни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Б. Усмонхўжаев қисқача нутқ сўзлаб очди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси гулдурос қарсаклар остида фахрий президиумга сайланди.

Республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг 1979 йилги социалистик мажбуриятлари ҳамда КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль ва ноябрь Пленумларининг қарорлари асосида уларни бажариш соҳасидаги вазифалари тўғрисида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ашуралиев доклад қилди.

(Давоми иккинчи бетда).

# ЕР ЮЗИДА ТИНЧЛИК БЎЛСИН ДЕБ

## Сайловчиларнинг А. А. ГРОМИКО билан учрашуви

26 февраль куни СССР Олий Совети Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи Минск шаҳар иккинчи округи сайловчиларининг шу округдан депутатликка номзод — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Андрей Андреевич Громико билан учрашуви бўлди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. М. Машеров, республиканинг бошқа раҳбарлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, жамоатчилик намояндалари президиумда ўтиришибди.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили — Белоруссия ССР Фанлар академияси техникавий кибернетика институтининг директори О. И. Семенков ва А. А. Громиконинг ҳаёт йўлини гапириб берди ва барча сайловчиларни сайлов куни коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг намояндалари учун яқдиллик билан овоз беришга чақирди.

Учрашувда сўзга чиққан нотиқлар КПСС, унинг ленинчи Марказий Комитетининг доно ички ва ташқи сиёсатини бутун халқ маъқуллаётганлиги ва яқдиллик билан қўллаб-қувватлаётганлиги тўғрисида гапиришди.

Мажлис аҳли томонидан самимий кутиб олинган А. А. Громико нутқ сўзлаб, СССР Олий Совети депутатлигига ўз номзодини кўрсатган Минск меҳнаткашлари коллективларига миннатдорчилик билдирди ва кўрсатилган ишончни оқлаш учун ҳамма ишни қилажагига ишонтирди.

Нотиқ партия XXIV ва XXV съездларининг қарорларини бажаришда аввалги сайловдан бери ўтган вақт ичида эришилган ажойиб муваффақиятларни батафсил таърифлаб берди.

Совет халқининг улуғвор режаларини рўёбга чиқариш учун қулай ташқи шарт-шароитлар керак бўлади. Партия билан совет давлатининг ленинча ташқи сиёсати ана шундай шарт-шароитни таъминлаш ишига хизмат қилмоқда.

Ҳам Ғарбдаги, ҳам Узоқ Шарқдаги тегишли кимсалар шуни билиб қўйишлари керакки, деди А. А. Громико, Совет Иттифоқи ҳамда унинг дўстлари ва иттифоқчилари ўзларининг ҳафа қилишларига йўл қўймайдилар. Аммо бизнинг мамлакатимиз ҳеч кимга ҳавф солаётгани йўқ, у фақат ер юзида тинчлик бўлишини хохлайди.

Совет ташқи сиёсатининг халқаро ишларга таъсири кун сайин кучаймоқда. Зотан биз ёлғиз эмас, балки қардош социалистик мамлакатлар билан биргаликда иш кўраяпмиз.

Бизнинг давримизда социализм зўр жозиба кучи касб этган. Халқлар келажакка бўлган умидларини тобора кўпроқ социалистик тузум билан боғлаётгандар. Ўтган йиллар мобайнида социализм янги муҳим муваффақиятларга эришди. Бирлашган социалистик Вьетнам Жануби-Шарқий Осиёда социализмнинг муҳим қўрғони бўлиб қолди.

Ҳозир Вьетнамга қарши яна агрессия бошланди. Гегемончилик ва босқинчилик фикрига берилган Хитойнинг телба раҳбарлари ана шу жиноятга қўл урдилар. Аммо улар Пекининг агрессияси муқаррар мағлубиятга маҳкум эканини билишлари лозим.

Совет Иттифоқи Пекин раҳбарларининг вақт ғаниматида Вьетнам Социалистик Республикага қарши агрессияни тўхатишларини ва Хитой қўшинларини унинг территориясидан дарҳол олиб чиқиб кетишларини қатъиян талаб қилади.

Капиталистик давлатларга келганда, биз улар билан муносабатлар тобора тинчтотув яшаш изига кириб боришига интилаяпмиз. Бу гап ўзаро манфаатли асосда ҳамкорликни ривожлантиришни, бир-бирининг хавфсизлиги манфаатларини ҳисобга олишни ва ўзаро ишончни оширишни билдириши лозим.

Бизнинг АҚШ билан муносабатларимиз алоҳида аҳамиятга молик эканлиги маълум. Бу нарса ҳаммага тушунарли.

Бир томондан, умуман олганда бу муносабатларда иккала мамлакатнинг ўтмишда биргалашиб сарфлаган куч-ғайратлари билан вужудга келтирилган салмоқли ижобий замин сақланиб келмоқда. Бу эса келгусида ҳам муносабатларимизни ижобий тарзда ривожлантириш имкониятларидан далолат беради. Ғарбдаги ақли расо кишилар ҳам буни тушунгё туришибди.

Иккинчи томондан, АҚШда ва бошқа мамлакатларда ҳам кескинликни юмшатишни истирмайдиган кучлар, мамлакатларимизни «совуқ уруш» замонларига қайтаришни хохловчи кишилар актив ҳаракат қилаётганликларини пайқамасдан бўлмайди. Хитой раҳбарлари Совет Иттифоқи билан АҚШни тўқнаштириб қўйишга жонжаҳдлари билан уринмоқдалар. Уларнинг таъсири остида, шунингдек АҚШдаги майлян ички кучларнинг таъсирида Совет-Америка муносабатларининг ривожига халақит берилмоқда. Вашингтонда бу жиддий масалага муносабат Шимолий Атлантикадаги об ҳаво сингари тез-тез ўзгариб турибди, деса бўлади.

СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг сиёсий иқлими ижобий маънода бундан анча барқарор бўлиши лозим. Бу нарса иккала томоннинг манфаатларига мос келган бўлур эди.

АҚШ сиёсатидаги ана шу икки негизнинг кураши ҳозир аввало иккала давлат ўртасида стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисида шартнома тузиш масаласи теварагида кескин тус олмоқда. Музокараларда шу пайтгача эришилган силжиш бу муҳим ишнинг яқин вақт ичида муваффақиятли равишда ниҳоясига етказилишига умид боғлаш учун асос беради, аммо бунинг учун иккинчи томон тўла бир битимга эришиш йўлига тўсиқлар қўймаслиги, тенглик ва баб-баравар хавфсизлик принципига изчиллик билан риоя этиши шарт.

Бундан ташқари КПСС Марказий Комитети, совет ҳукумати АҚШнинг ҳарбий бюджетни тобора кўпайтириш, қурол-яроғларнинг янги-янги программаларини авж олдириш, Вашингтонда келажак қайгурмаётганларга жуда ёқиб тушган «Хитойча карта» ўйнаш сингари ҳаракатлари бир битимга эришиш мақсадларига ва умуман тинчлик мақсадларига ҳам мутлақо муносиб эмаслигига неча марталаб эътиборни жалб қилдилар.

Совет Иттифоқининг Ғарб мамлакатлари билан муносабатларини янада яхшилаш имкониятларидан ҳали тўлатўкис фойдаланилгани йўқ. Шу имкониятлардан тўлиқроқ фойдаланишга муваффақ бўлинса, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш иши фақат ютиб чиққан бўлади. Бу эса барча халқларнинг, ҳамма мамлакатларнинг айни муддаоси бўлур эди. Аммо бу нарса фақат бизгагина боғлиқ эмаслиги равшан, биз ўзимизга боғлиқ бўлган ҳамма ишни қиляпмиз.

Ўз-ўзидан равшанки, Совет Иттифоқи, барча қардош социалистик мамлакатлар тинчликка ва кескинликни юмшатишга душман бўлган кучларнинг таъсирига етарли баҳо бермаслик фикридан олисдирлар.

Қуролланиш пойгасини тўхатиш ва қуролсизланиш учун қурашда ҳеч ким Совет Иттифоқичалик зўр қатъият кўрсатаётгани йўқ. Аммо биз НАТО мамлакатларининг ҳарбий қудратини оширишга қилинаётган даъватлар қандай сафсатабозлик далиллари билан ниқобланмасин, НАТО мамлакатларининг ҳарбий қудрати ўсиб бораётган бир шароитда ўзимизнинг мудофаа тадбирларимизни заифлаштиришга рози бўлмаймиз.

Пекинлик раҳбарлар жаҳон ишларида ўз зиммаларига тобора кўпроқ агрессив ролни олмоқдалар. Бунга социалистик Вьетнамга қарши қилинган агрессиядан бошқа далиллар ҳам бор.

Яқин Шарқда ҳамон тинчлик ўрнатилгани йўқ. Совет Иттифоқи араб халқларининг одилона курашига ҳамдам бўлиб турибди ва келгусида ҳам ҳамдам бўлаверади.

Халқаро вазият нақадар зиддиятли бўлиб бораётган бўлмасин ижтимоий ривожланишнинг объектив қонунларини марксча-ленинча тушунишга асосланувчи партиямиз ташқи сиёсат вазифаларини муваффақиятли равишда ниҳоясига етказишлиги учун

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛҒОРЛАРИНИНГ ҚУРУЛТОЙИ

# РЕСПУБЛИКА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ 1979 ЙИЛГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ ҲАМДА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1978 ЙИЛ ИЮЛЬ ВА НОЯБРЬ ПЛЕНУМЛАРИНИНГ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА УЛАРНИ БАЖАРИШ СОҲАСИДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

## *Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. АШУРАЛИЕВ доклади*

Ўртоқлар! Бизнинг қурултойимиз ўз ишини катта сиёсий воқеа — СССР Олий Советига сайлов куни арафасида бошлади. Сайлов олди кампанияси зўр сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати жўш урган бир вазиятда ўтмоқда, меҳнаткашларнинг Коммунистик партия теварагида мустаҳкам жипслашганликларини, Коммунистик партиянинг ички ва ташқи сиёсати бутун халқ томонидан маъқулланаётганлигини ва қизғин қўллаб-қувватланаётганлигини намойиш қилмоқда. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг барча сайловчиларига, гражданларига қилган Мурожаатида кўрсатиб ўтилганидек, 1974-1978 йиллар мобайнида, яъни сайловдан-сайловгача саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқлар узлуксиз юқори суръатлар билан ривожланиб борди. Социалистик демократиянинг, фан ва маданиятнинг ривожланиши ҳамда меҳнаткашлар моддий фаровонлигининг янада ўсиши таъминланди.

Ватанимиз қудратининг мустаҳкамланишига Ўзбекистон ССР меҳнаткашлари ҳам катта ҳисса қўшмоқдалар. Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти ўнинчи беш йилликнинг уч йили мобайнида (ўртача йиллик ҳисоба) олдинги беш йилликнинг уч йилидагига қараганда 25 процентдан зиёд кўпайди. Буларнинг барчасига партиямиз Марказий Комитети ва Совет ҳукумати томонидан қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга доимо катта эътибор бериб келинаётганлиги туфайли эришилди. Шу беш йилликнинг уч йили мобайнида республика қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалигига 6 миллиард 300 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди, колхоз ва совхозлар 50 минг 700 трактор, 18 минг 900 пахта териш машинаси ва кўплаб бошқа техника олдилар. Минерал ўғитлар, гербицидлар, дефолиантлар ва бошқа химикатлар етказиб бериш кўпайди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари партия XXV съездининг, КПСС Марказий Комитетининг 1978 йилги июль Пленуми қарорларини оғишмай амалга ошира бориб, 1978 йилнинг ғоят мураккаб шароитларида катта ғалабани қўлга киритдилар. Давлатга 5 миллион 500 минг тонна «оқ олтин» сотилди. Ҳосилнинг 80 проценти биринчи сортларга тоширилди. Республикада биринчи марта 295 минг тонна ингичка толали пахта тайёрланди. Республика мана шу қимматли хом ашё етиштириш бўйича мамлакатда биринчи ўринда бормоқда.

Ўтган йил қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам ажойиб ютуқлар билан нишонланди. Ялпи дон ҳосили биринчи марта 2,5 миллион тоннадан, шу жумладан, маккажўхори ҳосили 1 миллион тоннадан, шоли 413 минг тоннадан ошиб кетди. Давлатга 1 миллион тонна ёки планда кўрсатилган тайёрлов хажмидан қариб 1,5 баравар кўп дон сотилди. Сабзавот, полиз экинлари, картошка, мева ва узумдан юқори ҳосил етиштирилди.

Ўтган қишлоқ хўжалиги йилининг муваффақиятлари — партиямиз олий бораётган доно ленинча аграр сиёсатнинг ёрқин намойиши дир, партия Марказий Комитети ва шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Л. И. Брежнев кўрсатаётган доимий ғамхўрлиги, колхозчилар, совхоз ходимлари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассислари, республикадаги барча меҳнаткашлар фидокорона меҳнатининг натижасидир.

Пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришда эришаётган ютуқларимизга қардош республикалар — Озарбайжон, Туркманистон ва Тожикистон қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари билан олиб борилаётган аъанавий социалистик мусобақа кўп жиҳатдан ёрдам қилмоқда. Бу мусобақа ўз ишимизни танқидий нуқтаи назардан баҳолаш, мусобақадош дўстларимиз — ажойиб пахта усталарининг бой тажрибасидан фойдаланиш имконини бермоқда.

Республика қишлоқ меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети, Совет ҳукуматининг катта моддий-техника ёрдами ва маъанавий қўллаб-қувватлашлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежневнинг шахсан ғамхўрлигидан руҳланиб табиий қийинчиликларни юксак уюшқоқлик, меҳнатда оммавий жасорат кўрсатиш билан енгдилар.

Пахтакорларнинг ғалабасига Қорақалпоғистон АССРнинг ва республикадаги барча областларнинг хўжаликлари катта ҳисса қўшдилар. Андижон области давлатга 618 минг тонна, Фарғона области 596 минг тонна, Бухоро области 555 минг тонна, Самарқанд области 539 минг тонна, Қашқадарё области 508 минг тонна, Сурхондарё области 482 минг тонна, Наманган области 453 минг тонна, Тошкент области 431 минг тонна, Сирдарё области 355 минг тонна, Хоразм области 353 минг тонна, Жиззах области 321 минг тонна ва Қорақалпоғистон АССР — 289 минг тонна пахта топширдилар.

Ўтган йилнинг ғоят мураккаб об-ҳаво шароитида республикада гектаридан ўртача 30,2 центнердан пахта олинди. Андижон, Наманган, Бухоро ва Хоразм областларида 33-34 центнердан, Сурхондарё областида 35 центнердан ўртача толали ва 29,5 центнердан ингичка толали пахта, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент областларида 31-32 центнердан пахта олинди. Республиканинг 29 райони, 274 колхози ва 26 совхози гектаридан 35-40 центнердан пахта хосили олдилар. Ленин, Бўз, Ленинград, Бўка, Ромитан, Дўстлик, Шаҳрисабз, Яккабоғ ва бошқа кўплаб районларнинг пахтакорлари ўтган йили ҳар гектар ердан энг қулай келган 1977 йилдагидан ҳам ҳосилдорликни 1,5 дан 4 центнергача кўпайтирдилар. Ўтган йили 16 колхоз гектаридан 45 центнердан зиёд ва 10 совхоз 40 центнердан кўпроқ ҳосил олишга эришди.

Ғиждувон районидаги Садриддин Айний номли колхознинг Холмурод Мансуров, Пастдарғом районидаги Карл Маркс номли колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Бойтўра Кўмаков, Бўз районидаги «Партия XX съезди» колхозининг Назиржон Деҳқонов бошчилигидаги бригадалар ва бошқа кўпгина бригадаларимиз рекорд ҳосил — гектаридан 60 ва ундан ҳам кўпроқ центнердан пахта етиштирдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини ва айниқса пахтачиликни ривожлантиришга ва пахтачилик самарадорлигини оширишнинг асоси бўлган фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий қилишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Колхоз ва совхозларда 1978 йил ҳосили учун икки яруслі плуглар билан бир миллион 141 минг гектар ер ҳайдалди, пахта майдонининг ярмидан кўпроғига кенг қаторлаб чигит экилди, учдан бир қисмига эса аниқ миқдорда туксиз чигит экилди. Деярли 782 минг гектар ерда ғўза механизмлар билан чеканка қилинди.

Улкан пахта ҳосили учун курашда механизаторлар ҳал қилувчи роль ўйнадилар. Улар 3,4 миллион тоннадан кўпроқ пахтани, яъни ҳосилнинг 62 процентидан кўпроғини машиналар билан териб олдилар. Колхоз ва совхозларнинг кўпчилиги пахта териш техникасини усталик билан ишлатиб, пахта тайёрлашни юқори суръатлар билан олиб боришга эришдилар. Тошкент области хўжаликларида ҳосилнинг 78 проценти, Жиззах областида 75 проценти ва Самарқанд областида 68 проценти машиналар билан териб олинди. Задарё, Оқолтин, Бўз, Дўстлик, Ғалаба, Арнасой, Комсомолобод районларида машинада пахта теришнинг салмоғи 85 процентни ва ундан ҳам кўпроқни ташкил этди.

Ҳосилни йиғиб-териб олишни механизациялашдаги муваффақиятларга кўп жиҳатдан ишларни янги, прогресив формада ташкил этиш — ипатоволиклар усулини кенг ёйиш туфайли эришилди. 1978 йилда 2.800 та теришчи-транспорт отряди ишлаб турди ва ҳосилни поток усулида йиғиб-териб олишни жорий этишда дастлабки қадам ташланди.

Ҳосилни йиғиб-териб олишнинг қийин кунларида минглаб шонли механизаторларимиз маҳорат, қатъият ва чинакам жасорат намуналарини кўрсатдилар. Улар йиғим-терим техникасидан жуда унумли фойдаланиш учун курашиб, мавсумда машиналар билан 250—300 ва ундан ҳам кўпроқ тонна пахта терадилар. Чиноз районидаги Киров номли колхозда икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова, Дўстлик районидаги Ленин номли совхозда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Муртоз Абдураҳимов, Задарё районидаги Ильич номли колхозда Абдусалом Қодиров ва бошқа кўп кишилар фидокорона меҳнат ва серунум ишлаш намуналарини кўрсатдилар.

Республика меҳнаткашлари томонидан ўтган йили қўлга киритилган барча соҳадаги катта ғалабалар бизни қонуний суръатда қувонтирмоқда ва фахрлантирмоқда. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширганлиги ва иш сифатини яхшилаганлиги, 1978 йил планини муваффақиятли бажарганлиги учун Ўзбекистон ССР, Наманган, Самарқанд ва Тошкент областлари, бир қатор шаҳар, район, колхоз-совхоз ва саноат корхоналарининг ҳамда бирлашмаларининг коллективлари социалистик мусобақа ғолиблари деб топилиб, улар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотландилар.

Пахтачиликни механизациялашдаги ютуқларимиз яққол кўриниб турибди, лекин бу ишда фойдаланилмаган резервлар ҳамда камчиликлар ҳали кўп. Пахтаобод, Олот, Боёвут, Ховос, Ғузор ва Охунбобоев районлари сурункасига бир неча йил машиналарда пахта териш планларини бажармай келаётирлар. Андижон, Сурхондарё ва Фарғона областларида бундай хўжаликлар кўпроқ учрайди.

1979 йилда пахтакорлар олдида катта вазифалар турибди. Бу вазифалар КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль ва ноябрь Пленумлари қарорларида белгилаб берилган. Қорақалпоғистон АССРда республика областларида қурултойлар бўлиб ўтди, қурултойларда пахтакорлар 1979 йилда Ватанга пахта топшириш бўйича ўз мажбуриятларини олдилар.

Қорақалпоғистон АССР — 380 минг тонна, Андижон области — 625 минг тонна, Бухоро области — 550 минг тонна, шу жумладан ингичка толали пахта 31 минг тонна, Жиззах области — 320 минг тонна, Қашқадарё области — 513 минг тонна, шу жумладан, ингичка толали пахта — 95 минг тонна, Наманган области — 460 минг тонна, шу жумладан, ингичка толали пахта — 10 минг тонна, Самарқанд области — 555 минг тонна, Сурхондарё области — 490 минг тонна, шу жумладан, ингичка толали пахта — 195 минг тонна, Сирдарё области — 385 минг тонна, Тошкент области — 430 минг тонна, Фарғона области — 600 минг тонна, Хоразм области — 415 минг тонна.

Республика пахтакорлари беш йилликнинг тўртинчи йилида жами 5 миллион 700 минг тонна «оқ олтин», шу жумладан, 320 минг тонна ингичка толали пахта етиштиришни мўлжалладилар. Ўртоқлар, бу марраниг эгалланишига ҳаммамизнинг ишончимиз комил!

Леонид Ильич Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленумида сўзлаган нутқида таъкидлаб ўтганидек, «маҳсулот сифатини ошириш, пахтанинг ингичка толали навини етиштириши бутун чоралар билан кўпайтириш марказий вазифа ҳисобланади. Юқори сифатли пахта етиштириш — мамлакатдаги барча пахтакорларнинг асосий вазифасидир». Пахта етиштиришни кўпайтириш учун курашда ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва тупроқнинг ҳосилдорлигини ошириш ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Пахта-беда алмашлаб экишни ўзлаштириш соҳасидаги ишларни тугаллаш биринчи даражали вазифа бўлиб қолмоқда. Ҳозирги вақтда ҳайдаладиган ерларнинг 52 проценти алмашлаб экилмоқда. Республикада 167 та колхоз ва совхоз алмашлаб экишни батамом жорий қилди. Пахтачи ва Каттақўрғон районларининг хўжаликлари алмашлаб экишни 1975 йилда жорий қилиб бўлган эдилар. Натижада бу районларда пахта ҳосилдорлиги кейинги йиллар мобайнида 4-6 процент ошди, беда ҳосилдорлиги 200 центнерга етказилди, дон учун экилган маккажўхоридан 84—86 центнердан ҳосил олинмоқда. Афсуски, бу вазифа ҳамма областлар, районлар ва хўжаликларда муваффақиятли ҳал қилинаяпти деб бўлмайди.

Ўтгилардан тўғри фойдаланиш ва ўсимликларни қишлоқ хўжалиги зараркунандаларидан ҳимоя қилишни ташкил этиш ҳосилдорликни оширишнинг ва маҳсулот сифатини кўтаришнинг муҳим резерви ҳисобланади.

Пахтанинг ингичка толали қимматли навларини етиштириш кўпайди, паст сифатли пахта етиштириш камайди. Бухоро областининг хўжаликари яхши натижаларга эришдилар, бу ерда биринчи типдаги тола берадиган ингичка толали пахта навини экишга тўлиқ ўтилди. Оқибатда ҳосилдорлик уч йил ичида гектаридан 8 центнерга кўпайди. Бироқ ингичка толали пахта етиштиришни тағин ҳам кўпайтириш имкониятларидан ҳали тўла-тўкис фойдаланилаётгани йўқ. Сурхондарё, Наманган ва Қашқадарё областларининг хўжаликлари ингичка толали пахта етиштириш бўйича беш йиллиннинг уч йили планини бажармадилар. Яна бир вазифа шундан иборатки, колхоз ва совхозлар, пахта териш машиналарининг барча механик-ҳайдовчилари дефолиациянинг ва машина терминнинг белгиланган технологиясига қатъий риоя қилишлари керак. Колхоз ва совхозлар пахта сифатини оширган механизаторларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришлари лозим. Шунингдек, ҳосилни етиштириш, йиғиб-териб олиш, ташиш, тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлашнинг барча босқичларида нобудгарчиликка қарши курашни кучайтириш зарур.

Ўтган йили Тошкент областида пахтани бригадалар бўйича топшириш ва сифатини ҳисоба олиш соҳасида ижобий тажриба тўпланди. Бу ҳол маҳсулот сифатини яхшилаганликлари учун бевосита ҳосил етиштирувчиларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш имконини берди. Вазифа — ана шу яхши ташаббусни бу йил янада ривожлантиришдан иборатдир.

Республика олимлари ва селекционерлари олдида катта вазифалар турибди. Пахтакорлар олимлардан пахтанинг янги тезпишар ва серҳосил, юқори сифатли тола берадиган навларини яратиб беришларини, тупроқ ҳосилдорлигини ошириш ва ғўзани парвариш қилиш технологияси бўйича вильтга, бошқа касалликларга ва зарарли ҳашаротларга қарши кураш олиб бориш, ердан, техникадан, ўгитлардан ва сув ресурсларидан янада самаралироқ фойдаланиш бўйича янги илмий тавсиялар ишлаб чиқишларини, шунингдек, мўл ҳосил етиштиришда, фан ютуқлари ва илғор тажрибани жорий қилишда актив ёрдам кўрсатишларини кутмоқдалар.

Пахта теримини механизациялаш даражасини бу йил 67 процентга, 1980 йилда 70 процентга етказиш мўлжалланган.

Республика қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари пахтачиликни ривожлантириш билан бир қаторда, ялпи дон ҳосили етиштиришни кўпайтиришда ва уни давлатга сотишда ҳам катта муваффақиятларга эришдилар. Қорақалпоғистон АССР давлатга 190 минг тонна, Қашқадарё области 156 минг тонна, Жиззах области 147 минг тонна, Самарқанд области 102 минг тонна ва Тошкент области хўжаликлари 111 минг тонна дон сотиб, бу соҳадаги оширилган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар. Республиканинг барча областлари давлатга дон топшириш планини тўла ва ошириб ado этдилар.

Қамашн, Ғаллаорол, Чироқчи, Советобод, Ховос, Зомин, Бўз, Задарё, Бўстонлиқ, Оҳангарон ва Бувайда районларининг ғаллакорлари яхши меҳнат қилиб, ҳар гектар далмикор ердан 10—15 центнердан, сугориладиган ерларда эса 32—37 центнердан бугдой ва арпа дони олишга эришдилар.

Дон етиштиришнинг умумий ҳажмида маккажўхори катта ўрин тутади. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг республика маккажўхорикорларига йўллаган ва узоқ муддатли иш программамиз бўлиб қолган машҳур хатидан кейин колхоз ва совхозларда маккажўхоридан мўл ҳосил етиштириш учун кураш чинакамига авж олиб кетди. Ўтган йили маккажўхорикорларнинг, айниқса шонли комсомолимизнинг қаҳрамонона меҳнати туфайли маккажўхоридан мўл-кўл ҳосил етиштирилди: ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 69 центнердан, Самарқанд области хўжаликларида 85 центнердан, Сурхондарё области хўжаликларида 77 центнердан, Бухоро областида 76 центнердан маккажўхори дони етиштирилди. Тўрақўрғон, Каттақўрғон ва Янгиариқ районларининг колхоз ва совхозларида ҳар гектар ердаги маккажўхоридан ўрта ҳисобда 95—110 центнердан дон олинди.

Қорақалпоғистон АССРдан Ширин Юсупова, Андижон областидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Найни Маматқодиров, Қашқадарё областидан Гулбаҳор Нуруллаева, Наманган областидан Валижон Абдуллаев, Самарқанд областидан СССР Давлат мукофотининг лауреати Жўрақул Қўшоқов, Сурхондарё областидан Ҳосият Сидирова, Тошкент областидан Файзи Омонбоев, Фарғона областидан Шокирали Аҳмедов, Хоразм областидан Эгамберган Болтаев ва бошқа кўпгина ўртоқлар бошчилигидаги бригада ва звеноларнинг маккажўхори дони етиштиришнинг ҳақиқий усталари бўлиб қолдилар. Биз бугун Ўзбекистон маккажўхори донидан гарантияли ҳосил етиштирувчи республика бўлиб қолди, деб ишонч билан айтишга ҳақлимиз.

Ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилини шоликорларимиз янги ғалабалар билан нишонладилар. Республика колхоз ва совхозларида 413 минг тонна шоли етиштирилди, бу эса пландагидан 43,3 минг тонна кўп. Ҳар гектар ердан 44 центнердан шоли ҳосили олинди. Қорақалпоғистон Автоном Республикасининг шоликорлари ўтган йили катта муваффақиятларга эришдилар, бирдинга ўтган йилнинг ўзида 230 минг тонналик хирмон кўтарилди. Қорақалпоғистон АССРдаги Чапаев номли ихтисослаштирилган шоликорлик совхозида, Тошкент областидаги «Октябрь 46 йиллиги», Сурхондарё областидаги «Искра», Хоразм областидаги «Ал Хоразмий», «Боғот», «Янгиобод» ва «Гулистон» совхозларида, Коммунистик районидаги «Ленинский путь», Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк», Ғалаба районидаги Димитров номли, Гурлан районидаги «Коммунизм» колхозларида катта майдонларда ҳар гектаридан 55—65 центнер ва ундан ҳам кўпроқ шоли ҳосили етиштирилди. 1979 йилда биз дон етиштиришни 3 миллион тоннага, шу жумладан маккажўхори дони етиштиришни 1 миллион 300 минг доннага етказмоғимиз керак.

Республикада хўжаликлараро кооперациялаш ва агросаноат интеграцияси негизида ихтисослаштириш ва концентрациялашнинг ҳамда шу асосда пахта, дон, мева, сабзавот, чорвачилик ва бошқа маҳсулотлар етиштириш кўпайтиришнинг аниқ программаси ишлаб чиқилди, ихтисослаштириш ва концентрациялашнинг йўналишлари ва формалари белгиланди. Ҳозирнинг ўзида пахтанинг 99 проценти, тамакининг 100 проценти, сабзавотнинг 46 проценти, мева ва узумнинг 55 проценти, шолининг деярли 90 проценти, тухумнинг 67 проценти ва қорақўл терининг 93 проценти ихтисослаштирилган хўжаликларда етиштирилмоқда. Биз ишлаб чиқилган тадбирларга мувофиқ, қишлоқ хўжалиги ишлаб иққаришини янада ихтисослаштириш ва концентрациялаш соҳасида бундан кейин ҳам планли равишда иш олиб боришимиз керак.

Лубкорлар ва тамакикорлар ҳам қишлоқ хўжалиги йилини яхши кўрсаткичлар билан якунладилар. Бу йил 315 минг тонна каноп ва 27 минг тонна тамаки етиштирилиши ва тайёрланиши лозим. Лубкорлар ва тамакикорларнинг вазифаси ички резервлардан кенгроқ фойдаланиш, ҳосилдорликни ошириш ва хомашё сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ўстириш ва таннархини арзонлаштириш, уруғчиликни яхшилаш соҳасидаги ишларни қунт билан давом эттириш, ишларни механизациялаш даражасини оширишдан иборатдир.

Ўтган йили сабзавотчилар ва боғбонлар анчагина муваффақиятларга эришдилар. Тайёрлов пунктларига 2 миллион 760 минг тонна ёки пландан 26,5 процент кўп мева ва сабзавот маҳсулотлари етказиб берилди. 1979 йилда 4 миллион тоннадан кўпроқ мева ва сабзавот маҳсулотлари, шу жумладан 1 миллион 806 минг тонна сабзавот ва 1 миллион 55 минг тонна полиз маҳсулотлари, 308 минг тонна картошка, 597 минг тонна мева ва 503 минг тонна узум етиштириш лозим.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг берган йўл-йўриқларига мувофиқ республикада чорвачиликни ривожлантириш юзасидан катта тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу беш йилликнинг ўтган уч йили мобайнида чорва моллари туёғи ва паррандалар сони ортди, подани тўлдириш анча яхшиланди, маҳсулдорлик ошди, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш кўпайди ва сифати яхшиланди. Бу даврда барча категориядаги хўжаликларда йиллик ўртача гўшт етиштириш тирик вазнда 400 минг тоннадан 458 минг тоннага етди, сут 1 миллион 600 минг тоннадан 1 миллион 900 минг тоннага, тухум — 1 миллиард 100 миллион донадан 1 миллиард 260 миллион донага етди, бир сигирдан соғиб олинадиган сут 300 килограммга кўпайди. Чорва моллари ва парранда харид қилиш, сут, тухум, жун харид қилиш давлат плани ортиғи билан бажарилди.

Чорвадорлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг байроқдорлари бўлган Қува районининг ферма ходимлари беш йилликнинг охирига бориб гўшт, сут, тухум етиштиришни икки баравар кўпайтириш мажбуриятини олган эдилар. Бу мажбуриятлар муваффақиятли бажарилмоқда. Районда гўшт етиштириш ўтган йили 1977 йилдагига нисбатан 38 процент, сут 22 процент, тухум 35 процент кўпайди. Бу муваффақиятларга мустаҳкам ем-хашак базасини вужудга келтириш туфайли эришилди. Қувалиларнинг ташаббусини республика чорвадорлари қўллаб-қувватладилар.

Шаҳрисабз районидаги «Правда» колхозидан Анвара Жўраева, Пастдарғом районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозидан Муноввар Исоқова, Калинин районидаги «Қорасув» совхозидан Турғуной Қариқоева ўзларига бириктирилган ҳар бош сигирдан 6000 килограммдан кўпроқ сут соғиб олдилар. Самарқанд районидаги «Москва» совхозидан Соня Мустафина, Ғиждувон районидаги «Коммунизм» колхозидан Эргашой Болтаева, Сирдарё районидаги «Малик» совхозидан Ольга Фадеева, Чиноз наслчилик совхози-технікумидан Фануза Бекулова ва Боғот районидаги Нариманов номли колхозидан Розия Матёқубова каби ажойиб сут соғувчиларимиз зарбдорларча меҳнат қилишиб, ўзларига бириктирилган ҳар бош сигирдан 4500—5000 килограммдан сут соғиб олдилар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анастасия Чуднай ўзига бириктирилган 176 бош сигирдан 816 тонна сут соғиб олиб, қабул қилган мажбуриятини шараф билан бажарди.

Республикада чорвачиликни ихтисослаштириш ва концентрациялаш изчиллик билан амалга оширилмоқда. 215 та ихтисослаштирилган чорвачилик совхози ва колхозлараро 100 та бўрдоқичилик хўжалиги ишлаб турибди. Сутчилик комплекслари, подаларни тўлдириш учун бузоқларни ўстириш, молларни бўрдоқига боқиш комплекслари қурилмоқда. Ихтисослаштириш ва концентрациялаш ишлари яхши натижалар бераяпти. Лекин ҳамма ихтисослаштирилган чорвачилик корхоналари ҳам маҳсулот етиштиришни кўпайтириш учун ўз имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланаётганлари йўқ. Узпитепром тухум ва парранда гўшти етиштириш планини бажармади, 70 миллион дона тухум ва 1654 тонна гўштни кам берди. Бизнинг Узглавкаракулпромга ҳам жиддий эътирозларимиз бор. Чунки айрим хўжаликларда қўйларнинг туёғи кўпаймаяпти, молларнинг маҳсулдорлиги паст ва кўпчилик хўжаликлар знён кўрмоқда.

Чорвачилик маҳсулотларини, айниқса гўшт етиштиришни кўпайтириш учун барча манбалардан ва имкониятлардан фойдаланиш керак. Ҳар бир хўжаликда сутчилик ва паррандачилик фермалари бўлиши зарур.

Саноат корхоналарининг ёрдамчи хўжаликлари, матлубот кооперациясининг бўрдоқичилик базалари, айниқса колхозчиларнинг, совхоз ишчилари ва хизматчиларининг шахсий ёрдамчи хўжаликларида моллар туёғи ва парандалар сонини, гўшт ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтиришга бутун чоралар билан кўмаклашиш, шунингдек, ёш моллар, инвентарь ва озуқа сотиб олишда уларга ёрдам кўрсатиш керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XI Пленуми томонидан чорвачиликни янада ривожлантириш соҳасида қўйилган вазифаларни бажара бориб, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари 1979 йилда гўшт етиштиришни 275 минг тоннага, сут етиштиришни 845 минг тоннага ва тухум етиштиришни 900 миллион донага, жун етиштиришни 16200 тоннага етказишни ва давлатга 240 минг тонна мол ва парранда гўшти, 715 минг тонна сут, 900 миллион дона тухум ва 25500 тонна жун сотишни мўлжалламоқдалар.

Белгиланган планлар ва топшириқларни бажариш мақсадида ҳайвонлар туёғини кескин кўпайтириш ва 100 сигирдан 85 бузоқ, 100 чўчқадан 2500 чўчқа боласи, 100 совлиқ қўй ва эчкидан 120 қўзи ва улоқ олиш керак. Гўшт етиштиришни кўпайтиришнинг катта резерви — чўчқачилик, бройлер товуқлар етиштириладиган паррандачилик, қўйнчилик, йиғқичилик, туячиликни ва балиқ етиштиришни ривожлантирмоғимиз керак.

Чорвачиликни ривожлантиришнинг бош проблемаси ва негизи — озуқа ҳисобланади. Колхоз ва совхозларда озуқа етиштириш ихтисослаштирилган тармоққа айлантиридмоқда, энг серҳосил экин майдонлари кенгайтиридмоқда, озуқани молга тобора балансланган ҳолда берилмоқда. Омихта ем тайёрловчи цехлар ривожланиб бормоқда. Озуқа етиштирувчи бригадалар ва хўжаликлар барча зарур техника ҳамда ўғитлар билан таъмин этилмоқда. 1978 йилда 1977 йилга нисбатан 1 миллион 89 минг тонна хашак, 564 минг тонна силос ва сенаж кўп тайёрланди, омихта ем 61 минг тонна кўпроқ ишлаб чиқарилди.

Бироқ айрим хўжаликлар ем-хашак базасини ташкил этишга эътибор бермаяптилар. Ажратилган суғориладиган ерлардан самарасиз фойдаланилмоқда, агротехника қоидалари бузилмоқда, экинларнинг парвариши яхши йўлга қўйилмаган, такрорий, аралаш ва оралаб экинлар экишни жорий қилишга етарли даражада эътибор берилмаётир. Ем-хашак тайёрлашда банд бўлган ходимлар моддий ва маънавий жиҳатдан старли рағбатлантирилмаётир — 1978 йилда Қорақалпоғистон АССРда ҳар гектар эски бедапоялардан фақат 86 центнер, Сирдарё областида 96 центнер пичан олинди. Жиззах, Бухоро областларида силос учун маккажўхори ва кўк масса, Қашқадарё, ва Хоразм областларида озуқабоп илдизли ўсимликлар ҳосили паст.

Бу йил хўжаликлар 6 миллион 300 минг тонна ҳашак, шу жумладан, 2 миллион 200 минг тонна сенаж тайёрлаш, 4 миллион тонна силос бостириш, 210 минг тонна ўт талқони ишлаб чиқариш ҳамда эски бедапояларнинг ҳар гектаридан камида 120 центнердан, силос учун экилган маккажўхоридан 350 центнердан ва дон учун экилганидан 70 центнердан ҳосил олишлари лозим.

Ўтган йили пиллачилар яхши ишлашди. Колхоз ва совхозлар қурт боқишнинг прогрессив методларини жорий қилиб, биринчи марта 29 минг тонна пилла етиштирдилар, бу планда белгиланганидан 19 процент кўпдир. Ҳар қути қурт уруғидан ўрта ҳисобда 71 килограммдан пилла олинди. 1978 йилда пиллачиликни саноат негизига ўтказиш бошланди. 17 та пиллачилик комплекси қурилиб, ишга туширилди, бу комплексларда уруғ очиришдан тортиб то пиллани тозалашгача бўлган барча процесслар бир жойда бажарилмоқда. янги механизациялашган технология жорий қилинди ва у яхши натижалар бермоқда. Бундай ижобий ишни давом эттириб, пилла сифатини яхшилашимиз лозим.

Партиямиз Марказий Комитети ва шахсан Леонид Ильич Брежнев колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш тўғрисида жуда катта ғамхўрлик қилмоқда. Кейнинги йилларда республика колхоз ва совхозларининг экономикаси анча мустаҳкамланди. Ялпи ва соф даромад ҳажми кўпайди, хўжаликлар меҳнат унумдорлигини ўстириш соҳасида беш йиллик топшириқни муваффақиятли уддаладилар ва меҳнат унумдорлиги ҳар йили 5—6 процентдан ошиб бормоқда. Беш йилликнинг ўтган уч йили мобайнида ялпи маҳсулотнинг ўртача йиллик ҳажми пландаги 16,2 процент ўрнига 19,4 процент ўсди.

КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми колхоз ва совхозларнинг молиявий аҳволини янада мустаҳкамлаш ва колхозчиларга бериладиган пенсиянинг энг кам миқдорини ошириш йўлида қатор амалий чораларни белгилаб берди. Чорвачилик ва сабзавотчилик маҳсулотларини харид қилиш нархлари оширилганлиги натижасида республика хўжаликлари шу йилнинг ўзида 78 миллион сўмдан кўпроқ қўшимча даромад оладилар. Ундан ташқари колхоз ва совхозларга 134 миллион сўм миқдорида ёрдам кўрсатилди.

Шу билан бирга барча ички резервларни сафарбар қилиш, фан-техника тараққиётини жорий этиш асосида меҳнат унумдорлигини изчиллик билан ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, иқтисодий тежашни планлаштиришни, хўжалик ҳисобини ва молиявий контроллиқни такомиллаштириш — колхозлар ва совхозларнинг экономикасини янада яхшилашда ва уларнинг ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Фан-техника тараққиёти шароитида қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг роли ҳар қачонгидан ҳам ошди. Кейинги йиллар мобайнида республика хўжаликларида ва қишлоқ хўжалиги органларида юқори малакали мутахассислар кўпайди. Ҳозир колхоз раисларининг 80 проценти олий маълумотга, 15 проценти ўрта махсус маълумотга эга.

Ўрта бўғинга кирадиган мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасида кўп иш қилишимиз, ўнинчи беш йилликда барча бригада бошлиқларини ва ферма мудирларининг махсус маълумотга эга бўлишига эришувимиз керак, яқин вақтлар ичида барча колхоз ва совхозларни оммавий касбдаги малакали кадрлар билан, айниқса механизаторлар билан тўла-тўкис таъминлашимиз зарур. Барча техника икки сменада ишлаш учун тракторчи ва машинистлар билан таъминланган бўлиши керак.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «1979 йилда баҳорги дала ишларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш соҳасидаги қўшимча тадбирлар тўғрисида» қабул қилган қарори партия, совет ва қишлоқ хўжалиги органларининг, барча қишлоқ меҳнаткашларининг диққат-эътиборини ана шу вазифаларга қаратмоқда.

Республика далалари ва фермаларида ҳозирнинг ўзидаёқ қизғин иш олиб борилмоқда. Беш йиллик тўртинчи йили топшириқлари ва социалистик мажбуриятларини бажариш учун замин ҳозирланмоқда. Яқин вақт ичида ерларнинг шўрини ювишни, суғориш ва коллектор шохобчаларини тозалашни, маҳаллий ўғитни далага ташиб чиқариш, уруғлик фонди тайёрлашни тугаллаш энг зарур вазифаларимиздир.

Ҳлоҳи борича кўпроқ майдонларда яхоб суви ва экиш олдидан сув бериш, сувни тежаб-тергаб сарфлаш, тупроқда тўпланган намни сақлаш ишларини ўз вақтида бажаришимиз зарур.

Техникани дала ишларига ўз вақтида ва юқори сифатли қилиб тайёрлаб қўйишни таъминлаш жуда муҳимдир. Бироқ айрим хўжаликларда техника ремонти тугатилмаганн ва сифатсиз ремонт қилиш фактлари учраб турибди.

Баҳорги дала ишларига ўз вақтида ва ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўришни таъминлашда трактор ва қишлоқ хўжалиги машиналарини саноати корхоналарининг коллективлари катта роль ўйнайдилар. Мазкур коллективлар бу ишга ўз ҳиссаларини қўшишлари, хўжаликларга трактор, сеялка ва культиваторларни, насос қурилмаларни ва бошқа қишлоқ хўжалиги машиналарини ўз вақ

# ДУНЁ ОВОЗИ

## ЧЕЙ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

### ХИТОЙНИНГ АГРЕССИЯСИ— ТИНЧЛИККА ХАВФ

НЬЮ-ЙОРК, 26 февраль. (ТАСС мухбири). Пекин раҳбарларининг Вьетнам социалистик республикасига қарши қилаётган ваҳшиёна жиноятларини жаҳон жамоатчилиги ғазаб билан қоралямоқда ва агрессиянинг дарҳол тўхтатилишини талаб қилмоқда. БМТ хавфсизлик кенгаши Хитой агрессияси муносабати билан Жануби-Шарқий Осиёдаги аҳволни муҳокама қилаётган пайтда сўзга чиққан кўпгина нотиқлар тинчлик тақдири учун жуда ташвишланиб гапирмоқдалар, маочилар ўзларининг гегемончилик иштаҳаларини қондириш йўлидаги ҳаракатлари билан тинчликка катта таҳлика солаётганликларини айтмоқдалар.

Хитойнинг Вьетнамга бостириб кириши, деди Венгриянинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили И. Холлаи, ҳамма жойда норозилик ва қаҳр-ғазабга дучор бўлди. Тинч-тотув яшашни мустаҳкамлаш ва халқаро кескинликни юмшатишни кучайтириш соҳасидаги ғайрат-ҳаракатларга даҳдаҳа қилган Пекиннинг ҳаракатларини дунёдаги биронта мамлакат ошкора ҳимоя қилиб чиқмаганлиги диққатга сазовордир. Пекиннинг ҳужуми ҳозирги Хитой раҳбарларининг буюк давлатчилик даъволарини яна бир карра фош этди ва Хитой сиёсатининг умумий йўналиши тўғрисидаги таҳликавий масалани яна кун тартибига қўйди. Пекин ўзини кичик мамлакатларнинг «ҳомийси» деб кўрсатишга уриниб, Жануби-Шарқий Осиё давлатлари билан тиллёламалик қилаётганлиги учун ҳам бу давлатлар шу таҳликали масала устида ўйлаб кўришлари керак.

Хитой ўз ҳаракатларининг оқибатлари учун тўла жавобгар бўлиши керак деб таъкидлади Венгрия делегати. Босқинчиликни дарҳол тўхтатиш — Жануби-Шарқий Осиёда тинчликни қайта тиклашнинг бирдан-бир йўлидир.

Вьетнамга сурбетлик билан қилинган ҳужум —Пекин раҳбарларининг бир неча йиллардан бери умуман Жануби-Шарқий Осиёга ва хусусан Вьетнамга нисбатан ўтказиб келаётган дўқ-пўписа ва тазйиқ сиёсатининг давомидир, деди ГДРнинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили П. Флорин. Бу ҳаракат деди у, Жануби-Шарқий Осиёдан империалистлар билан мустамлакачилар чиқиб кетишга мажбур бўлганларидан кейин бу ерда қамчин ўйнатиб турган янги жандарм пайдо бўлганини билдиради. Башарти тинчликсевар кўшни давлатларнинг ҳукуматлари унинг ноғорасига ўйнамасалар, у бу мамлакатларнинг «адабини бериб қўйиш» учун чора кўриш ва бунинг учун бомба ҳамда ўқларни ишга солиш билан дўқ урмоқда. Башарти хавфсизлик кенгаши халқаро муносабатдаги бундай практикани қораламаса, янги жаҳон уруши хавфи кўп марталаб кучаяди. Дэн Сяопин ва унинг атрофидаги кимсаларнинг ҳаракатлари Пекиннинг халқлар тинчлиги ва хавфсизлиққа таҳлика солаётганидан жуда очиқ-равшан далолат бериб турибди, деди ГДР делегати.

Болгария вакили Д. Костов шуни таъкидладики, Хитой агрессияси узоқ вақтдан бери давом этиб келаётган мафкуравий, сиёсий ва ҳарбий тайёргарликнинг натижасидир. Собиқ Хитой императорларининг буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив иштаҳаларини Пекиннинг ҳозирги ҳукмдорлари мерос қилиб олиб, уларни маоизм билан тўлдирдилар. Шу кунларда бу йўл халқлар тинчлиги ва хавфсизлигига реал даҳдаҳа солиб турибди.

МХРнинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили Б. Дашцэрэн Осиёдаги тинчликсевар давлатларнинг кайфиятини ифодалаб, қуйидагиларни таъкидлади: жаҳон халқлари Вьетнам диёрида бебошлик ва бедодлик қилаётган Хитойлик агрессорларга лаънат тамғасини босмоқдалар, Хитойнинг агрессияси тўхтатилишини, босқинчиларнинг қўшинлари олиб чиқиб кетилишини қаттиқ туриб талаб қилмоқдалар. Хитойнинг ҳужуми, деди у, Вьетнам халқига ва унинг дўстларигагина эмас, шу билан бирга барча тинчликсевар халқларга ҳам қарши қаратилган катта жиноятдир.

Хавфсизлик кенгаши вужудга келган вазиятда ўз вазифасини бажариши учун Хитой агрессиясини қоралашга, бу агрессиянинг дарҳол тўхтатилишига ва агрессор кўшинларининг Вьетнам территориясидан олиб чиқиб кетилишига қаратилган шошилинч чораларни кўриши керак, деди совет вакили М. А. Харламов. СССР вакили ғарбдаги муайян доираларни оғоҳлантириб, агрессор билан агрессия қурбонига бирхил назар билан қараш орқали Хитой интервенциясини оқлашга уриниш ярамаслигини айтди.

В. ВАСИЛЕЦ.

### КАМПУЧИЯ ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

ПНОМПЕНЬ, 26 февраль. (ТАСС). Кампучия информация агентлиги хабар беради: Кампучия Халқ Республикаси ташқи ишлар министрлигининг вакили баёнот берди. Бу баёнотда Кампучия ички ишларига аралашиш учун БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши мажлисларидан фойдаланишга қарши оғоҳлантириб ўтилади.

Бутун дунёга маълумки, дейилади баёнотда, геноцид сиёсатини ўтказиб келган хитойпараст реакцион тўда режими ағдариб ташланганидан кейин халқ республикаси тузилган эди. Кампучия Халқ Революцион Кенгаши мамлакатни ва унинг барча ишларини бошқармоқда, тинч ташқи сиёсат олиб бормоқда, БМТ Устави принципларига мувофиқ равишда дўстлик ва кенг миқёсдаги ҳамкорлик учун курашмоқда. Пекиннинг ҳукмрон доиралари эса аксинча душманчилик сиёсатини тарғиб қилмоқдалар, халқ қўлқториб ташлаган режимни қўллаб-қувватлашларини рўйи рост айтмоқдалар ва халқ Кампучиясига қарши қупорувчилик ишларини олиб бормоқчи бўладилар.

Яқинда Пекин ҳукмрон доиралари бутун чегара бўйлаб Вьетнамга қарши агрессив уруш бошладилар, Вьетнам халқига қарши жиноят қилмоқдалар. Улар БМТ Устави принципларини кўпол равишда поймол этиб, Жануби-Шарқий Осиёда ва бутун дунёда тинчликка жиддий таҳдид қилмоқдалар.

Кампучия Халқ Республикаси ташқи ишлар министрлиги, хавфсизлик кенгаши Хитой ҳукумати теласида турган реакциячиларни қоралаши ва уларни КХР ва ВСРнинг мустақиллиги, суверенитети ва территориал бутунлигини ҳурмат қилишга мажбур этиш учун, Хитойнинг Кампучияга қарши душманчилик ҳаракатларига ҳамда Вьетнамга қарши агрессив урушга хотима бериш ва барча Хитой қўшинларини Вьетнамдан олиб чиқиб кетишга мажбур этиш учун тегишли чоралар кўриши керак, деб ҳисоблайди.

### ХИТОЙ—ЮГОСЛАВИЯ МУЗОКАРАЛАРИ

ПЕКИН, 26 февраль. (ТАСС). Бугун шу ерда иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик масалалари билан шуғулланувчи Хитой-Югославия комитетининг мажлиси бошланди. Югославия делегациясига ЮФСР ҳукумати раисининг ўринбосари Б. Иконич бошчилик қилмоқда.

Муносиб зарба.
А. Ҳолиқов расми.

### ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● АНҚАРА. Туркия парламенти мамлакатнинг 13 вилоятидаги фавқулодда ҳолат муддатини яна икки ойга узайтириш тўғрисида кўпчилик овоз билан қабул қилинган қарорни маъқуллади. Бу вилоятларда фавқулодда ҳолат террорчилик ҳаракатларининг пайини қириш мақсадида бултур декабрь ойининг охирида жорий этилган эди. Туркия бош министри Б. Эжевит парламент аъзолари ҳузурида сўзлаган нутқида бундай деди: ҳукумат мамлакатдаги аҳволни нормаллаштиришга кўмаклашиш мақсадида ана шу чорани кўрди. Бироқ бу мақсадга ҳали тўла-тўкис эришилгани йўқ.

● ДЕҲЛИ. Болалар аҳволини яхшилашга қаратилган ҳукумат программаси Ҳиндистон парламентининг бюджет сессияси муҳокамасига қўйилди. Маориф, социал таъминот ва маданият давлат министри Р. Д. Баркатакнинг айтишича, программада қишлоқ жойларида бошланғич ва ўрта таълимни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Министр хоним шу олтинчи беш йилликда (1978—1983 йиллар) қишлоқ мактабларига 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган 32 миллион бола қўшимча равишда қабул қилинади, деди.

● ТЕҲРОН. Шох тайинлаган Эроннинг собиқ бош министри Бахтиёр чет элга қочиб кетган. Оятилло Ҳумайни «Эрон революциясининг овози» радиостанцияси орқали сўзлаган нутқида ана шуни маълум қилди. У ҳозирги вақтда собиқ бош министр қаерда эканлигини айтмади, лекин Эроннинг муваққат ҳукумати Бахтиёрни судга бериш ниятида эканлигини таъкидлади ва шу боисдан уни Эрон ҳукуматига топширишни талаб қилди.

ПХЕНЬЯН. Жанубий Корея матбуотининг маълумотига кўра 1978 йилда ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларнинг рўй бериши натижасида қариб 120 минг киши жабрланган. Корхоналарда меҳнатнинг оғир шароитлари сабабли, техника хавфсизлигининг қўпол равишда бузилиши оқибатида ишчилардан 48 минг киши оғир жароҳатланди. Корхоналарнинг эгалари меҳнатни муҳофаза қилиш учун маблағ сарфлашдан бош тортмоқдалар. Кончилик саноатида ишчиларнинг ишлаб чиқаришда шикастланиш даражаси анча катта: бултур ҳар минг кончидан 102 нафари жароҳатланган ва шикастланган эди.

(ТАСС).

## ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

Барнаул шина заводи меҳнаткашлари 1979 йилда ошириллган мажбуриятлар асосида ишламоқдалар. Улар пландан ташқари 200 минг сўмлик маҳсулот топширишга аҳд қилганлар, шунингдек, маҳсулотнинг икки хилини давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Суратда: заводнинг тайёр маҳсулотлари складида.

В. Садчиков фотоси.
ТАСС фотохроникаси.



МОСКВА. Совет авиаконструкторлари томонидан яратилиб, Ватанимиз ҳаво йўлларида мунтазам қатнаб турган «ИЛ-76 Т» самолёти оғир юкларни ташишда энг самарали транспорт ҳисобланади. Суратда: «ИЛ-76 Т» самолёти Шереметьево аэропортида.

Б. Корзин фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

### СЕН БИЛАН БИРГАМИЗ, ВЬЕТНАМ!

Ер юзидаги барча эрксевар халқлар қатори пойтахт область аҳолиси ҳам Хитой гегемонистларининг Социалистик Вьетнам территориясига сурбетларча бостириб кирганлигини қаҳр-ғазаб билан қораламоқда.

Завод ва фабрикаларда, қурилиш ва транспорт ташкилотларида, колхоз ва совхозларда ҳар куни бўлиб ўтаётган митингларда областимиз меҳнаткашлари Хитой маъмурларининг сурбетларча қилаётган ҳаракатларини фош қилмоқдалар ва Хитой солдатларининг озод Вьетнам территориясидан зудлик билан олиб чиқиб кетилишини талаб қилмоқдалар.

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон», «Октябрь» колхозларида, «Қибрай» совхозида, шунингдек ТашГРЭСда, район марказий касалхонасида бўлиб ўтган митингларда меҳнаткашлар Хитой маъмурларига нисбатан чексиз қаҳр-ғазабларини баён қилдилар.

Ҳозирги кунгача Оржоникидзе районида юзга яқин бирдамлик митинглари бўлиб ўтди. Уларда қариб 11 минг киши иштирок этди. 500 га яқин ишчи-деҳқон, халқ зиёлиларининг вакиллари сўзга чиқиб, Совет ҳукумати эълон қилган баёнотни тўла қўллаб-қувватладилар, Хитойнинг босқинчиларига лаънатлар ўқидилар.

— Барча совет кишилари каби биз колхозчилар ҳам,— деди митингда сўзга чиққан «Қизил Ўзбекистон» колхозининг сут соғувчиси Ўриной Ортиқбоева,— қардош Вьетнам даҳлсизлиги ва мустақиллигига ҳамла қилган хитойлик урушқоқларни қаҳр-ғазаб билан қоралаймиз. Биз тинчлик истаймиз, озод Вьетнам осмонида ҳамиша тинчлик қуёши порлаб туришини истаймиз. Агрессор қилмишига яраша жазо олади, бутун дунёга шарманда-ю шармисор бўлади.

Улуғ Ватан уруши қатнашчиси консерва комбинатининг кекса ишчиси Н. В. Зотов ўз сўзида Хитойнинг босқинчилик урушлари албатта барбод бўлажагини таъкидлади.

Вьетнам халқи билан бирдамлик митинглари давом этмоқда. Митинг қатнашчиларининг талаби битта:

— Социалистик Вьетнамдан қўлингни торт!

Б. ИСМОИЛОВ.

### РАҲМАТ, ШИФОКОРЛАР

Касаллик бир зумда келди. Тўсатдан ошқозон остида оғриқ бошланди. Кўнглим лоҳас бўлар, оғриқ эса тобора кучаярди. Қора терга ботиб кетган эдим. Уйдагилар «тез ёрдам» машинасини чақиришди. Машина ҳам тез етиб келди. Врач мени синчиклаб кўрар экан, оғриқ бераётган жой ошқозон остидаги ўтда эканлигини аниқлади.

— Ўтингизга тош тўпланиб қолган бўлса керак, — деди у ва оғриқ қолдирадиган укол қилди. Оғриқ камайгандай бўлди. Лекин врач мени албатта касалхонага олиб боражагини, бу касалликни уй шароитида даволаш лозим даражада яхши натижа бермаслигини, парҳезга қаттиқ амал қилиш лозимлигини айтди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш министрлигининг Тошкентдаги 2-клиник касалхонасига олиб боришди.

Мени касалхонанинг учинчи хирургия бўлимига ётқизишди. Дастлабки даҳиқаларданоқ врачлар ва ҳамшираларнинг одамийлиги, инсонпарварлиги, ширинсуханлигини ҳис қила бошладим. Яхши сўз жон озиғи деганларидек, саломатлигимиз жонкуярларининг ширин сўзлари, мулойим муносабатлари, дардимизга малҳам бўларди.

Мен ҳам орадан бир неча кун ўтгач, ўзимни яхши ҳис қилабошладим. Оғриқ умуман қолди, лекин врачлар ўтни жарроҳлик йўли билан олиб ташлашни лозим деб топишди.

Бўлим мудири Ирина Павловна Прохорова, ассистент Қаҳрамон Нишонович Турсунов мени операцияга тайёрлай бошладилар. Ниҳоят операция куни ҳам етиб келди. Мен ҳеч ҳавотирланмай операция столига ётдим. Чунки, бу бўлимда мен каби ҳасталиккка учраб, операция йўли билан даволаниб кетганлар анчагина бор эди. Улар албатта операция қилдиринг, касалингиздан ҳоли бўласиз дейишарди.

Операция яхши ўтди. Ҳақиқатан ҳам ўт пуфаги ичида катта-кичик анчагина тошлар пайдо бўлган, ҳамма оғриқ шунинг оқибатида содир бўлаётган экан. Бир неча кундан сўнг тўла соғайиб кетдим. Орадан бироз ўтгач, яна ўз оиламга, коллективимга — меҳнат қучоғига қайтдим.

Мени оғир ҳасталикдан ҳалос қилганликлари учун доцентлар О. Фаин, И. П. Прохорова, ассистентлар Р. А. Алимов, Қ. Н. Турсунов, врач С. Х. Ғаниев, ҳамширалардан Т. Блаушина, Л. Н. Гаюб, М. Ҳожихонова, А. Смалина ва бошқалардан бир умр миннатдорман.

—Ошқозон касалига мубтало бўлиб қолган эдим, — дейди бемор Мансур Одамов. — Сўнгги вақтларда касаллик жуда ёмон азоб бера бошлади. Оғриқнинг зўридан аъзойи баданим қақшар эди, кўпинча тунларни бедор ўтказардим. Кун сайин тинкам қурирди. Оқибатда тушкунликка туша бошладим. Лекин, бўлим врачлари дардимга малҳам бўлишди. Улар ошқозонни операция қилиш лозимлигини айтишди. Аввалига бунга юрагим дов бермади. Лекин, бу ерда қилинаётган операциялар яхши чиқаётганлиги менга далда берарди. Шунинг учун ҳам розилик билдирдим. Операциядан сўнг ўн-ўн беш кун ўтар-ўтмас ўзимни яхши ҳис қила бошладим. Менга иккинчи бор ҳаёт ато қилган врачлардан бир умр миннатдорман.

Бўлим хирурглари ва ҳамширалари ҳақида бундай миннатдорчилик, ҳурмат-эҳтиром тўла сўзларни шу ерда операция йўли билан ошқозон ярасидан халос бўлган Амирали Тожибоев, Аҳмад Қосимов, ошқозон ости бези касалини даволатган Ўктам Қўшоқов, Зарима Адамановалар ҳам ҳурсандчилик билан изҳор этадилар.

Узининг бутун умри, ақл-идроки, билими ва тажрибасини энг улуғ иш — кишилар саломатлигини муҳофаза қилиш, беморлар дардига дармон бўлиш, уларни хасталиклардан ҳалос қилишга бағишлаган тасаннолар айтсак ҳам камлик қилади. Қўлингиз дард кўрмасин, шифокорлар!

Б. СОБИРОВ,
Тошкентдаги 2-маршрут таксилари автомобиль транспорти корхонаси шофёри.

## Спорт

### ЕВРОПА БИРИНЧИЛИГИНИНГ СОВРИНДОРЛАРИ

Венада енгил атлетика бўйича ўтказилган Европа чемпионати ниҳоясига етди. Бунда 24 мамлакатнинг 202 спортчиси ғолиблик учун куч синашди. Мамлакатимиз терма командаси сафида эса 28 енгил атлетикачи иштирок этди.

Баландликка сакраш бўйича жаҳон рекордчиси Владимир Яшченко яна энг кучли спортчилардан бири эканлигини исботлаб, ҳурмат шоҳсупасининг энг юқорисидан ўрин олди. Г. Валюкевич уч ҳатлаб сакрашда 17 метр 02 сантиметр натижа кўрсатиб олтин медаль эгаси бўлди. Узунликка сакрашда ҳам совет спортчиси В. Цепелевга тенг рақиб топилмади. Унинг 7 метр 88 сантиметр натижаси олтин медаль олиб берди. Г. Белков, А. Пискулин, В. Подлужний, К. Волков, В. Кисилёв, Н. Моргулина ва бошқа бир қатор спортчиларимиз кумуш медалларга сазовор бўлдилар. Булар сафида республикамиз вакили Замира Зайцева ҳам бор. Спортчиларимиз 1500 метрга бўлган югуришда Румния вакили Н. Марашескудан кейин иккинчи ўринни эгаллаган бўлсада, эришган натижаси — 4 минут 03,9 секунд Бутуниттифоқ рекордидир. В. Старажкова ҳам 60 метрга бўлган югуришда мамлакат рекордини янгилашга муваффақ бўлди.

### БИРИНЧИ ТУРНИНГ НАТИЖАЛАРИ

Пойтахтимиз ва Тошкент области стадионларида бошланган халқаро футбол турнирининг биринчи кунги натижалари мухлислар учун қувонарли бўлмади. Негаки дастлабки тўрт ўйиннинг фақат биттасидагина совет спортчилари ғолиб келишган бўлса, қолган учтасида омад меҳмонларга кулиб боқди.

IX халқаро турнир байроғи тантанали кўтарилгандан кейин «Пахтакор» стадионига СССРнинг биринчи ва Финляндия командалари тушишди. Совет спортчилари 2:0 ҳисобида ғолиб келишди. Тўпларни Ленинграднинг «Зенит» командаси ўйинчиси Сергей Шевцов киритди.

«Қибрай» стадионида Ўзбекистон ва ГДР командалари учрашдилар. Республикамиз вакиллари биринчи бўлиб ҳисобни очишган бўлса-да, кейинчалик ўз дарвозаларидан иккита тўп ўтказиб юбориб, 1:2 ҳисобида енгилдилар. «Халқобод» стадионида РСФСР командаси Венгрия футболчиларидан 0:1 ҳисобида енгилдилар. Украина ўсмирлар командаси эса чехословакиялик тенгдошларига 1:2 ҳисобида ютқазишди.

Кеча иккинчи турда Ўзбекистон футболчилари РСФСР командаси билан учрашдилар.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.


## Реклама ва эълонлар

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИНИНГ

### РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

1/III да — ФЛОРИЯ ТОСКА.
2/III да — ЖИЗЕЛЬ.
3/III да — МАЪРИФАТ ҚУРБОНЛАРИ.
4/III да — КОНЦЕРТ (12.00 билетлар сотилган). СПАРТАК (19.00).
6/III да — СЕВИЛЬЯ САРТАРОШИ.
9/III да — СЕВГИ ҲАҚИДА ҚИССА (13.00, билетлар сотилган), Анна КАРЕНИНА (19.00).
10/III да МАСХАРАБОЗЛАР.
11/III да — Князь ИГОРЬ (12.00, билетлар сотилган), СЕВГИ ҲАҚИДА ҚИССА (18.00, билетлар сотилган).
13/III да — ОЛАМНИНГ ЯРАТИЛИШИ.
14/III да — АФСОНАЛАР ВОДИЙСИДА.
15/III да — ТРАВИАТА.
16/III да — ОҚҚУШ КУЛИ.
17/III да — ПИКОВАЯ ДАМА (билетлар сотилган).
18/III да — ЧЕТ ЭЛЛИК ПЕТРУШКА (12.00), БИР АКТЛИ БАЛЕТЛАР (19.00).
20/III да — МАЙСАРАНИНГ ИШИ.
21/III да — ИСПАН МИНИАТЮРАЛАРИ.

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ БАҲОРГИ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА НАМОЙИШ ҚИЛИНАДИГАН СПЕКТАКЛЛАРНИНГ РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

23/III да — ОЛОВИДДИННИНГ СЕҲРЛИ ШАМЧИРОҒИ (12.00), ОЛАМНИНГ ЯРАТИЛИШИ (19.00).
24/III да — ЭТИҚ КИЙГАН МУШУК (12.00), СЕВГИ ҲАҚИДА ҚИССА (19.00).
25/III да — СЕВГИ ҲАҚИДА ҚИССА (12.00, билетлар сотилган), ЧИО-ЧИО-САН (19.00).
26/III да —ОЛОВИДДИННИНГ СЕҲРЛИ ШАМЧИРОҒИ (12.00), ОҚҚУШ КУЛИ (19.00).
27/III да —ЗОЛУШКА (12.00), РИГОЛЕТТО (19.00).
28/III да ЧЕТ ЭЛЛИК ПЕТРУШКА (12.00), СЕВГИ ТУМОРИ (19.00).
29/III да — ЧЕТ ЭЛЛИК ПЕТРУШКА (12.00), БОРИС ГОДУНОВ (19.00).
30/III да — ДОКТОР АЙБОЛИТ (12.00), СЕВИЛЬЯ САРТАРОШИ (19.00).
31/III да — ЎЛИК МАЛИКА ВА ЕТТИ БАҲОДИР ҲАҚИДА ЭРТАК (12.00), ТОҲИР ВА ЗУҲРА (19.00).

КАССА СОАТ 11.00 ДАН ОЧИҚ.
СПРАВКАЛАР ОЛИШ УЧУН ТЕЛЕФОН: 33-90-81.
Спектакллар соат 19.00 да бошланади.
Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»нинг
УҚУВ КОМБИНАТИ
минорали кран машинистлари ва экскаватор машинистларини тайёрлайдиган
4 ЯРИМ ОЙЛИК КУРСЛАРГА
18 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизларни
ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Қабул қилинганларга 75 сўмдан стипендия берилади.
Ёлғиз кишилар ётоқхона ва Тошкент шаҳрига прописка билан таъминланадилар.
Машғулотлар — группалар комплектлангандан сўнг бошланади.
Ўқиш рус тилида олиб борилади.
Курсларни тугатганлар Тошкентда «Строймеханизация» трестининг бошқармаларида ишлайдилар.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 19-уй ,«Радость» магазини қаршисида.

«СОЮЗТЕЛЕФОНСТРОЙ» трестининг
ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ БОШҚАРМАСИ
ТОШКЕНТ шаҳрида
кабелчи-қалайловчи алоқа монтажчиларини тайёрлайдиган
ҚИСҚА МУДДАТЛИ КУРСЛАРГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқиш даврида курсантларга 75 сўм 90 тийин ҳажмида стипендия берилади.
Курсларга 8—10 синф ҳажмида маълумотли йигитлар ва Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар қабул қилинади.
Курсларни тугатганларга разряд берилади ва улар Самарқанд, Душанба ва Тошкент шаҳрида ишлайдилар.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Куйбишев шоссеси, 15-уй, 12-корпус (5, 7, 12, 37, 55, 68-автобусларнинг «Тепловоз депоси» бекати). Телефонлар: 91-56-94, 91-44-95.


## Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

14.50 — Янгиликлар. 15.10 —Меҳнатнинг-иқболинг. 16.10— Рус тили 16.50 — Объектив. 17.20 — Гончилар, қаердасиз! 17.50 — Инсон. Ер. Коинот. 18.35 — СССР Олий Советига сайловлар олдидан. 19.05 — Актив зона. Бадиий фильм. 1-серия. 20.10 — Дунё воқеалари. 20.25 — Актив зона. Бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — Вақт. 22.15 — Кинотомошабин ҳамроҳи. 22.45 — Оқшом оҳанглари. 23.30 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Физикадан ўқув кўрсатуви. 12.00 — Ҳужжатли фильмлар. 12.30 — Физикадан ўқув кўрсатуви. 18.00 — Мактаб ўқувчилари учун. Тенгдош. 18.25 — 4 март —СССР Олий Советига сайловлар. 18.45 —Ахборот. 19.00 — Халқ контроли экрани. 19.30—Концерт. 20.10 — Ахборот. 20.30 —Дўстлик экрани. Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевидениеларининг биргалиқдаги программаси. 21.30 — Вақт. 22.15 — Турмуш ва маданият. 22.45 — Контрабанда. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

21.00 — Янгиликлар.

## Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА «ТУРТ ҚУЁВ» эстрада-цирк лўлилар ревюсининг хайрлашув гастроллари (19.30).

## Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 1/III да Флория Тоска.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/II да Қароқчилар, 1/III да Келинлар қўзғолони.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 28/II да Хотинимнинг эри, 1/III да Олифта.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/II да Ҳаммомга бало борми? (16.00).


ДОИМИЙ ИШГА

қўлда ҳарф теручилар, линотипистлар, печаткиналар, қабул қилувчилар, юқорида кўрсатилган ихтисослар бўйича шогирдлар, совутиш қурилмалари бўйича инженер, қозон қурилмалари бўйича слесарь, электромонтерлар, лифтлар бўйича электр механиклар, алоқа электромонтёрлари, токарь, слесарлар, полиграфия ускуналарини созловчилар ва слесарь-ремонтчилар, қоғоз қиркувчилар, машинистка, курьер, ёрдамчи ишчилар, фаррошлар, вахтёрлар, идиш-товоқларни йиғиштириб олувчилар, қурилиш насбларидаги ишчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими.



БИЗНИНГ АДРЕС 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334808, 325353; секретариат — 325750 БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 12891. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Е—2342.